

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҒЎДАЛОВ МИРКОМИЛ РАВШАНОВИЧ**

**АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИНИНГ ЛАНДШАФТЛАРГА  
ТАЪСИРИ**

**11.00.01 – Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ғўдалов Миркомил Равшанович**

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг ландшафтларга таъсири.....

**Гудалов Миркомил Равшанович**

Влияние системы озёр Айдар-Арнасай на ландшафты .....

**Gudalov Mirkomil Ravshanovich**

Influence of Aydar-Arnasay lake system on landscapes .....

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ҒЎДАЛОВ МИРКОМИЛ РАВШАНОВИЧ**

**АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИНИНГ ЛАНДШАФТЛАРГА  
ТАЪСИРИ**

**11.00.01 – Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида  
В.2019.3.PhD/Gr113 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.nauka.nuu.uz](http://www.nauka.nuu.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шарипов Шавкат Мухамажанович**  
география фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Бахритдинов Баходир Арифович**  
география фанлар доктори, профессор

**Ҳикматов Фазлиддин Ҳикматович**  
география фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.2017.G.01.06 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99824) 246-53-21, факс: (+99824) 246-53-21, 246-02-24. E-mail: [ik-geografiya.nuuz@mail.ru](mailto:ik-geografiya.nuuz@mail.ru). (Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Н.И.Сабитова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

**З.Н.Тожиева**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
г.ф.д., профессор

**А.А.Қаюмов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, г.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон аҳолисининг тез суръатларда ортиб бориши табиий ресурслар, айниқса, ер-сув ресурсларидан интенсив фойдаланишни ва, бунинг оқибатида, сув хавзаларининг ифлосланиши, ерларнинг деградацияси, биохилма-хилликнинг камайиши каби салбий экологик жараёнларни юзага келтирмоқда. Бу муаммоларга қарши курашишга халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида “Қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ... ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хилликнинг камайишини олдини олиш”<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Мазкур вазифалар, айниқса, “экологик мўрт” бўлган арид иқлимли ҳудудларда ландшафтларнинг антропоген омил таъсирида ўзгаришини таҳлил этиш, баҳолаш, прогноз қилиш ва кутиладиган салбий табиий жараёнларнинг олдини олиш бўйича тадқиқотларни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, ер-сув ресурсларидан фойдаланиш оқибатида тупроқ-ўсимлик қоплами, биохилма-хилликнинг камайиши ва ландшафтларнинг ўзгарганлик даражаларини аниқлаш, иқлим ўзгариши шароитида юзага келиши мумкин табиий жараёнларни ўрганишга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ландшафтларнинг ҳозирги ҳолатини аэрокосмик усуллар билан бирга дала шароитида ўрганиш ва тавсифлаш, моделлаштириш, карталаштириш, гидрологик ва гидрогеологик шароитларнинг тупроқ-ўсимлик қопламига ва, бу орқали, ландшафтларнинг ўзгаришига таъсирини баҳолаш ҳамда прогнозлаш, шу асосда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик вазиятни яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда ҳудудларнинг табиий ресурс салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, биохилма-хилликни сақлаш, ерларнинг мелиротив ҳолатини яхшилаш, уларнинг шўрланиши ва чўлланишига қарши курашиш, ландшафтларнинг барқарорлигини сақлаш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси”да “атроф муҳитни муҳофаза қилишни илмий жиҳатдан таъминлаш”<sup>2</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Айдар-Арнасой кўллари тизимининг атрофдаги ландшафтларга таъсирини, уларнинг ўзгариш даражасини аниқлаш ва прогнозлаш, мазкур ҳудудларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик

<sup>1</sup> Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года // Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони

вазиятни яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 мартдаги 124-сон “Айдар-Арнасой кўллар тизимининг биологик ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2019 йил 11 июндаги 484-сон “2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар», V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофидаги ландшафтлар ва уларнинг табиий шароити Н.А.Когай, Л.Н.Бабушкин, А.А.Рафиқов, Л.А.Алибеков, А.А.Абдулқосимов, Н.И.Сабитова, А.Рахматуллаев, С.Б.Аббасов, Н.И.Исмамов, Н.Р.Алимқулов ва бошқалар томонидан ўрганилган. Айдар-Арнасой кўллар тизими жойлашган худуднинг геологик тузилиши ва рельефи ҳақида Ш.Д.Давлатов, М.Маматқулов, сувлари тўғрисида Э.И.Чембарисов, И.Э.Махмудов, Т.Ю.Лесник, Ф.Ҳ.Ҳикматов, тупроқлари ҳақидаги маълумотлар М.А.Панков, В.Г.Гафуров, О.Комилов, А.Н.Нигматов, В.Е.Сектименко, А.Ж.Исманов, Р.Қурвонтоев ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг пайдо бўлиши муносабати билан унинг сув баланси, режими, гидрокимёси, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг ўзгаришига доир кўпгина ишлар бажарилди. Улар орасида Н.Е.Горелкин, А.М.Никитин, Д.Э.Махмудова, Г.Н.Трофимов, Ғ.Ў.Қодиров кабиларнинг ишлари аҳамиятлидир.

Юқорида келтирилган ишларда кўллар тизимининг ҳосил бўлиши ва сув юзаси майдонининг кенгайиб боришига боғлиқ ҳолда, унинг атрофидаги ландшафтлар хусусиятларининг ўзгариб бориши комплекс ўрганилмаган. Мазкур диссертация тадқиқоти айнан шу масалага бағишланганлиги билан юқоридаги ишлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти илмий тадқиқотлар

режасининг А7-ХТ-0-30670 рақамли “Айдар-Арнасой кўллар тизимининг шаклланиши, динамикаси ва атроф-муҳитга таъсирини тадқиқ қилиш” мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси (2012-2014) ва “№ АА-1/2019 рақамли 1:200000 масшабли Айдар-Арнасой ботиғи ландшафтлари картасини тайёрлаш” мавзусидаги хўжалик шартномаси (2019) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Айдар-Арнасой кўллар тизимининг атроф ландшафтларга таъсирини аниқлаш, ўзгаришини прогнозлаш, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофидаги ландшафтлар чегараларини аниқлаш, таснифлаш ва уларни тавсифлаш;

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва атрофидаги ландшафтларнинг 1:200000 масшабли картасини яратиш;

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг вужудга келиши, унинг ҳозирги ҳолати ва гидрокимёвий режимидаги ўзгаришларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш;

Кўллар тизимининг ландшафтларга таъсирини аниқлаш учун грунт сувлари, тупроқ-ўсимлик қопламидаги ўзгаришларни тадқиқ этиш;

Кўллар тизимида сув ҳажмининг камайишига боғлиқ ҳолда атроф ландшафтлардаги ўзгаришлар прогнозини ишлаб чиқиш;

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва атрофидаги ландшафтларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофидаги ландшафтлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** ландшафтлар чегараларини аниқлаш ва картасини яратиш, уларга кўллар тизими таъсирини аниқлаш ва ўзгаришини прогнозлаш, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини асослаш масалалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда картографик, аэрокосмик, табиий географик бирликларни далада аниқлаш, маршрутли экспедиция, экстраполяция, географик ўхшатиш, ландшафт индикация тадқиқот усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофидаги ландшафтларнинг чегаралари дала шароитида аниқланган, таснифланган (2 та синф, 3 та гуруҳ, 3 та тур, 5 та тоифа, 15 та хил) ва ландшафт картаси яратилган;

кўллар тизимининг атроф текислик ландшафт синфидаги 7 та ландшафт хилига (1-7) грунт сувларининг сатҳи кўтарилиши орқали, 3 та ландшафт хилига (8-10) микроклимдаги намлик ва ёғин миқдорининг ортиши орқали, тоғ ландшафт синфидаги 5 та ландшафт хилига (11-15) нисбий намлик ва туманли кунларнинг ортиши орқали намоён бўладиган таъсири аниқланган;

кўллар тизимидаги сув ҳажмининг камайишига боғлиқ ҳолда атроф ландшафтларда қисқа (3-5 йил), ўрта (6-29 йил), узок (30-70 йил) муддатли даврда бўладиган ўзгаришлар прогнози ишлаб чиқилган;

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофидаги текислик, паст тоғ, ўртача баланд тоғ ландшафларининг туризм нуқтаи назаридан қулайлик даражалари (жуда ҳам қулай, қулай, камроқ қулай, қулай эмас) баҳоланган ҳамда экотуристтик маршрутлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофидаги ландшафтларнинг илк бор ўрта масштабни (1:200 000) ландшафт картаси яратилган;

Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув ҳажмининг ортиши таъсирида унинг атрофидаги ландшафтларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолати ва ўсимликлардаги ўзгаришлар аниқланган;

табiiй ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини ландшафтларнинг хусусиятидан келиб чиқиб табақалашган ҳолда амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва атрофидаги ландшафтларнинг табiiй шароити кўрсаткичларини ва эстетик аҳамиятини баҳолаш асосида туризмни ривожлантириш йўналишлари ва экотуристтик маршрутлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази, Жиззах вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, Жиззах вилояти қишлоқ ҳамда сув хўжалиги бошқармалари статистик маълумотларидан фойдаланилганлиги, кўп йиллар давомида тўпланган дала-тадқиқотлар асосида яратилган карталар, назарий ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофидаги ландшафтларни таснифлаш, ўзгариш даражасини аниқлаш ва баҳолаш методикасини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Айдар-Арнасой кўллар тизимининг сув ҳажми камайиши шароитида атрофдаги ландшафтларнинг тупроқ-мелиоратив ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлаш ва прогнозлашга, таклиф қилинган туристик йўналиш ва маршрутлардан туризмни ривожлантиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Айдар-Арнасой кўллар тизимининг атроф ландшафтларга таъсири бўйича олинган натижалар асосида:

Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофидаги ландшафтлар чегараларини аниқлаш натижалари ва яратилган ландшафт картаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Айдар-Арнасой кўллар тизими худудининг кадастр йиғма



жилдини тайёрлаш, ҳудуднинг жойлашишини ифодаловчи батафсил электрон харитасини ишлаб чиқишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 15 ноябрдаги 02-02-/8-1528-сон маълумотномаси). Натижада табиатни муҳофаза қилиш ва биохилма-хилликни сақлаш тадбирларини ландшафтлар доирасида манзилли, уларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб амалга ошириш орқали чора-тадбирлардан кутиладиган натижаларни таъминлаш имконини берган;

Айдар-Арнасой кўллар тизимида келгусида сув ҳажмининг камайиб бориш эҳтимоли юқориликка боғлиқ ҳолда атрофдаги ландшафтларда бўладиган ўзгаришларнинг ишлаб чиқилган прогнози Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Айдар-Арнасой кўллар тизимининг биологик ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, кўллар тизими сув сатҳини сақлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 15 ноябрдаги 02-02-/8-1528-сон маълумотномаси). Натижада Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув берувчи манбалардаги сув ҳажмини ва сифатини баҳолаш, сув миқдорини прогноз қилиш ҳамда сув таъминоти барқарорлигига эришиш, Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофида экологик вазиятни яхшилаш ва сақлаш, биологик ресурсларни ривожлантириш имконини берган;

Айдар-Арнасой кўллар тизимининг атрофдаги ландшафтларнинг микроклимига, грунт сувларига, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсирини баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Айдар-Арнасой кўллар тизими қирғоқларида Фориш ва Арнасой туманларида бешта янги замонавий дам олиш зоналари қуриш ва келгусида уларнинг туристик салоҳиятларини ошириб боришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 ноябрдаги 03-36/7994-сон маълумотномаси). Натижада кўллар қирғоқларида қурилаётган дам олиш зоналарини ландшафтларнинг эстетик аҳамияти ва туристик салоҳиятини ҳамда барқарорлигини ҳисобга олиб жойлаштириш, реклама маҳсулотларини тайёрлаш, туристик инфратузилмани ривожлантиришга хизмат қилган;

Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг атрофидаги ландшафтларнинг эстетик аҳамияти, табиий географик шароити кўрсаткичларини туризмда фойдаланиш нуқтаи назаридан қулайлик даражаларини аниқлаш ишлари ҳамда ишлаб чиқилган янги экотуристтик маршрутлари Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида ички туризмни жадал ривожлантиришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 ноябрдаги 03-36/7994-сон маълумотномаси). Натижада янги туристик йўналишлар ва маршрутлар ишлаб чиқишга, Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг

соҳилларидаги ландшафтларнинг туристик салоҳиятидан унумли фойдаланишни яхшилашга ва экотуризмни ривожлантиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 10 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Айдар-Арнасой кўллари тизими жойлашган ҳудуднинг табиий географик тавсифи”** деб номланган биринчи бобида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, геологик тузилиши, рельефи, иқлими, ер ости ва ер усти сувлари, тупроқлари, ўсимлик қоплами ҳамда ҳайвонот оламига оид материалларнинг тўпланиши ландшафтлар ҳақидаги илмий тасавурларнинг такомиллашиб бориши билан узвий боғлиқ.

Айдар-Арнасой кўллари тизими (ААКТ) ва унинг атрофида ёғин миқдори тақсимланишини таҳлил қиладиган бўлсак шимоли-ғарбий ҳудудларидан жануби-шарқий ҳудудлар томон ортиб боради. Энг кўп ёғин миқдори март, апрель ойларига тўғри келса, энг кам ёғин миқдори июнь, июль ойларига тўғри келади (1-расм).

ААКТ соҳиллари атрофларида грунт сувлар 2-3 м, қум массивларида 5-10 м, тоғ олди текислигининг юқори қисмида қалин пролювиал-аллювиал жинслар тагида 100-120 м чуқурликда ётади. Грунт сувларнинг минераллашиш даражаси тоғ ёнбағирлари яқинида жуда кам (0,3-0,5 г/л) бўлиб, кўл томон 3-5 г/л дан 10 г/л гача ортиб боради.

ААКТнинг шимол, ғарб ва жануб томонларида қум массивлари мавжуд бўлиб, қумда ўсувчи чўл ўсимликлари ҳам қум шакллари, грунт сувининг чуқурлигига, рельефга боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Бу ҳудудда асосан икки хил ўсимликлар формацияси кенг тарқалган: 1) оқ саксовул; 2) жузғун.



1-расм. Айдар-Арнасой кўллари тизими атрофида ёгин миқдорининг йил давомида ойлар бўйича ўзгариши

ААКТ атрофида ландшафтларнинг жонли компонентларининг яшаш шароити ва тарқалишига кўра: 1) ботиқ тагидаги шўрхок, шўрланган ботқоқ ва шўртоб ерлар; 2) қумли чўллари; 3) тоғ олди текисликлар; 4) паст ва ўртача баландликдаги тоғлар; 5) воҳалар ажратилди.

Умуман олганда, мутахассислар томонидан ААКТ ва унинг атрофида 300 тур ўсимлик, 72 тур қушлар, 22 тур балиқ ҳамда 25 тур сув ўтлари борлиги аниқланган.

Диссертациянинг **“Айдар-Арнасой кўллари тизими атрофи ландшафтларини ўрганиш методологияси”** деб номланган иккинчи бобининг биринчи параграфида ландшафтларни ўрганишда амал қилинган принцип ва қўлланилган методларнинг мазмун-моҳияти ёритилди. ААКТ атрофидаги ландшафтларни тадқиқ этишда объективлик, комплекслик, нисбий бир хиллик, генетик-тарихий принципларга амал қилинди ҳамда картографик, аэрокосмик, табиий географик бирликларни далада аниқлаш методларидан фойдаланилди.

Дала тадқиқотларида мақсадга қараб, дастур бўйича бир қанча ишлар олиб борилди: ландшафтнинг географик ўрни, майдони ва чегаралари; ландшафт компонентларининг хусусиятлари ва уларнинг ўзаро алоқалари; ландшафтдаги табиий ва антропоген жараёнлар; ландшафтга ААКТ таъсирининг хусусияти ва кўлами кабиларни ўрганилди. Бунда мақсад ва вазифага қараб бир қанча дала тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Жумладан, 1-5, 2-1, 2-3, 3-1 каби кўплаб ландшафтларда нуқта ёзиш, Тузкон-Қли-Жиззах (5, 6-1, 6-2, 4, 7 ландшафтлар), Тузкон-Хонбандитоғ-Кўйтош

тоғи (2-3, 8-1, 11-1, 9-2, 13-2, 14-2 ландшафтлар), Айдаркўл-Отақўрғон-Ухум (2-4, 8-1, 9-1, 10-1 ландшафтлар) Айдаркўл-Чаклонтёпа-Қизилча (2-4, 12, 8-1, 9-1 ландшафтлар) Арнасой-Дўстлик-Жиззах (1-4, 2-2, 4, 7 ландшафтлар) каби йўналишларда эса маршрут бўйича нукта ёзиш усулидан фойдаланилди (2-расм).

ААКТ қирғоқларида ландшафт хусусиятига кўра бир-биридан фарк қиладиган 3 та таянч тажриба майдонлари (6-1, 2-4, 3-3 ландшафт хиллари)да бир неча йиллар давомида кузатишлар олиб борилди.

Биздан олдин бажарилган табиий географик районлаштириш ва ландшафт карталари ҳамда компонентлар бўйича бажарилган илмий тадқиқот ишлардан фойдаланиб дала тадқиқотлари асосида Айдар-Арнасой кўллари тизими атрофининг 1:200000 масштаби ландшафт типологик картаси яратилди (2-расм).


ААКТ атрофидаги ландшафтлар *бўлим* таснифий бирлигидан *синф* таснифий бирлигигача бўлинишга учрамайди. Синф таснифий поғонасида 2 та алоҳида ландшафт синфи ажратилди: 1) Текислик ландшафтлари синфи ва 2) Тоғ ландшафтлари синфи.

Текислик ландшафтлари синфи 1 та *тур* – текислик чўл ландшафтларига, тоғ ландшафтлари синфи 2 та *тур* – паст тоғ чала чўл ландшафтлари ва ўртача баланд тоғ қуруқ дашт ландшафтларига бўлинади.

ААКТ атрофидаги текислик ҳудудларни *ландшафт тоифа*ларига ажратишда жой рельефининг генезиси ва морфологияси, геологик-геоморфологик тузилиши асос қилиб олинди. Шунга асосан, текислик чўл ландшафтлари тури 3 та ландшафт тоифасига, паст тоғ чала-чўллари ва ўртача баланд тоғ қуруқ дашт ландшафтлари турларининг ҳар бири 1 тадан ландшафт тоифасига бўлинади. Кейинги ва дала тадқиқотларида бевосита ўрганиш объекти бўлган таснифий бирлик – *ландшафт хили*нинг чегарасини аниқлашда ва картага туширишда ўсимлик, тупроқ, рельеф ва ер юзасини қоплаган ётқизикларининг хусусиятига асосланиб, ўрганилаётган ҳудудда 15 та ландшафт хили ажратилди (2-расм).

Диссертациянинг “**Айдар-Арнасой кўллари тизимининг атрофдаги ландшафтларга таъсири**” деб номланган учинчи бобида, ААКТдаги гидрокимёвий ўзгаришлар ва атроф ландшафтларга таъсири ўрганилди. ААКТда 1969 йилдан 2018 йилгача бўлган даврдаги сув баланси тебранма хусусиятга эга бўлиб, кирим миқдори 1969-1970, 1994, 2003 йиллари энг кўп, 1996, 2001, 2007 йиллари эса энг кам бўлгани кузатилган. Шу йиллар давомида ААКТ майдони 2300 км<sup>2</sup> дан 3702 км<sup>2</sup> гача, сув ҳажми эса 19,94 км<sup>3</sup> дан 44,09 км<sup>3</sup> гача ортган. Сувнинг минераллашиш даражаси шарқий қисмида 7,4 гр/л (Арнасой кўлида), жануби-шарқий қисмида 7,6 гр/л (Тузкон кўлида), марказий қисмида 7,9 гр/л, ғарбий қисмида 8,6 гр/л (Айдаркўлда) даражада ўзгариши аниқланди. ААКТнинг шарқий ва жануби-шарқий қисмида минераллашиш даражаси пастлигига сабаб, Чордара сув омбори ва коллектор-зовурлардан доимий равишда сув тушиб туради, аксинча ғарбий қисмида ташқаридан сув қуйилиши бўлмаганлиги сабабли минераллашиш

# 2.1 расм АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИ АТРОФИДАГИ ЛАНДШАФТЛАР ҚАРТАСИ



### Шартли белгилар

■ ЧЕГАРЛАР  
— Дашт чегараси  
— Даштлар чегараси  
■ АЛОҚА ҲУДАДАРИ  
— Алоқабел Ҳудудари  
■ ЮШКА ОБЪЕКТЛАР  
— Дарёлар  
— Қўзғалмач суғайборлар  
■ Миллати 1:200 000  
— 1 см = 2 км

- ### АЙДАР-АРНАСОЙ КЎЛЛАР ТИЗИМИ АТРОФИДАГИ ЛАНДШАФТЛАРИ
- I СИНФ. ТЕГИСЛИКЛАР**  
 Гуруҳ. Автомофр.  
 А гур. Гелесликлар  
**I тоифа. Дешта аламлиқ, проливия ва кўз даштлари, усти асаси то қуялар билан қопланган аламлиқ тоғлиқлар**
- 1 м. Ариқ-янтқаб-жираниқ усадиган шўрлук, ўтлук, баланд боқимшидан тўрроқлар парцаланган кўлар атрофларидан кўрроқлар.
  - 2 м. Ок сарпар-жузу-янтқаб-жираниқ усадиган қум ва қумлар парцаланган марали ўзлешмон тоғлиқлар.
  - 3 м. Эфемер шўр-кўз ариқ-янтқаб усадиган қум ва қумлар парцаланган марали тоғлиқлар.
- II тоифа. Несан аламлиқ ва проливия жинслири тарбияланган, усти асаси жинслири билан қопланган проливия-акумуляция тоғлиқлари**
- 4 м. Обиор маданӣ ўсимликни суғорилдиган ўтсул бую тўрроқлар парцаланган жинсли асаси тоғлиқлар.
- III. Несан обидели проливия ва аламлиқ ётиқлик, усти аламлиқ жинслири билан қопланган проливия-акумуляция, проливия-акумуляция тоғлиқлари**
- 5 м. Шўр-ора ариқ-янтқаб усадиган шўрлук ва боқим тўрроқлар парцаланган аламлиқ жинсли ўзлешмон тоғлиқлари.
  - 6 м. Шўр-аман-ақриқ боқимшидан ва кули шўрланган тўрроқлар парцаланган аламлиқ жинсли-асосмон билан.
  - 7 м. Обиор маданӣ ўсимликни суғорилдиган от усти бую тўрроқлар парцаланган майда тоғлиқ, қум ариқ-янтқаб жинсли аламлиқ тоғлиқларидаги ўзлешмон тоғлиқлари.
  - 8 м. Эфемер шўр-кўз ариқ-янтқаб усадиган от усти бую тўрроқлар парцаланган қум, майда тоғ ариқ-янтқаб жинсли тоғлиқ юзали тоғ олаи тоғлиқлари.
  - 9 м. Эфемер шўр-кўз ариқ-янтқаб усадиган от усти бую тўрроқлар парцаланган селетли қумлиқ ўзлешмон тоғ олаи тоғлиқлари.
  - 10. Эфемер шўр-кўз ариқ-янтқаб усадиган от усти бую тўрроқлар парцаланган селетли жинсли қумлиқ ўзлешмон тоғ олаи тоғлиқлари.
- IV. Палеотўрроқлар тизили аламлиқ қалқилмақт тоғлар**
- 11 м. Бадма-кўз ариқ-янтқаб усадиган от усти бую тўрроқлар парцаланган чар майда тоғлиқ, ағром жойларда туб жинсли аламлиқ тоғлиқлар.
  - 12 м. Боқим шўр-кўз ариқ-янтқаб усадиган юкка тоғлиқ сур қўр тўрроқлар парцаланган қумлашган олақот, слайс туб жинсли тоғлиқлар.
- V. Шағир жинслиридан тизилиқ тектоник-кулиданган тоғлар**
- 13 м. Эфемер шўр-кўз ариқ-янтқаб усадиган от усти бую тўрроқлар парцаланган қумлиқ парцаланган тоғлиқлар.
  - 14 м. Бадма-кўз ариқ-янтқаб усадиган от усти бую тўрроқлар парцаланган қумлиқ парцаланган ўртақ баланд тоғлиқлари.
  - 15 м. Бадма-кўз ариқ-янтқаб усадиган тоғлиқлар тўрроқлар парцаланган ўртақ баланд тоғлиқлари суғайриқча тугаш ётиқлиқлари.



Айдар-Арнасой боғлиғини қосимаси билан сурган

даражаси юқори бўлади. Сўнги йилларда ААКТга сувнинг кирим қисми (2,5 км<sup>3</sup>) га нисбатан чиқим қисми (4,4 км<sup>3</sup>) ортаётганлиги, бунинг оқибатида сувнинг камайиши ва сатҳи пасайиши кузатилмоқда. Кўл сатҳини 245 метрда ушлаб туриш учун яна 1,9 км<sup>3</sup> хажмда сув зарур бўлади. Агарда сув кирим-чиқими тенглиги таъминланмаса, кўл сатҳи йиллига ўртача 30 см гача тушиб боради.

Коллектор-зовурлар орқали келадиган сувлар ААКТда сув баланси кирим қисмининг асосини ташкил қилади. Турли ҳисоблар бўйича коллектор-зовур сувларининг миқдори 1,8-2,5 км<sup>3</sup> деб ҳисобланади. 1993-2002 йилларда ҳамма коллектор-зовур сувларининг ўртача минераллашиш даражаси 4,3 г/л деб баҳоланган ва минераллашиш миқдорининг йиллик ўзгариб туриши 2,6-6,5 г/л га тенг. Шундай ҳолатда йил давомида коллектор-зовур сувлари билан келадиган тузларнинг умумий миқдори 10,2 млн тоннани ташкил қилади.

Тузкон кўли атрофида тупроқнинг 0,05 м юқори қатламидан шамол туфайли қанча миқдорда туз ва чанг олиб кетилганлиги Н.Г.Верацагина ва бошқ. (2010) бўйича, шамол тезлиги 8-9 м/сек бўлганда шўрҳокларнинг бир гектаридан 45 тоннагача, қумоқ тупроқлардан 4,9 тоннагача, қумли тупроқлардан 1,5 тоннагача чанг ва тузлар учирлар экан. Бу учирилган тузларнинг 30 % ини сульфатлар, 25 % ини хлоридлар ташкил қилади. Шу тезликдаги шамоллар пайтида шўрҳокларнинг ҳар гектаридан 1,2 тоннагача хлоридлар учирилиб кетилади ва атроф ҳудудларга тарқалади.

ААКТнинг сувга тўлиши ажриқ-янтоқ-шўра-жинғил ўсадиган шўртоб, ўтлоқ, баъзан ботқоқлашган тупроқлар тарқалган кўллар атрофидаги қирғоқлар ландшафт хили (ландшафт картасидаги 1-ландшафт) да бир неча юз метр масофада, айрим ҳолларда 10-12 километргача бўлган масофада грунт сувлари сатҳининг кўтарилиб кетишига сабабчи бўлди. Бу таъсир нишаблик миқдorigа ва қирғоқ ҳудудининг қандай жинслардан тузилишига боғлиқ ҳолда турли масофага чўзилган. Энг катта масофадаги таъсир Айдаркўлнинг шимолидаги 1-1 ландшафт хилида ва Арнасой кўлининг ғарбий қирғоқларидаги 1-2 ландшафт хилида кузатилади. Бунга сабаб 1-1 ландшафт хилида қирғоқ чизигининг кучли парчаланганлиги, сувнинг узун кўлтиқ ҳосил қилиб чуқур кириб боришлиги ва яриморолларнинг кўплигидир. Шунингдек, 1-1 ландшафт хилида кўллар сувининг қирғоқларга кучли таъсири сув ва қуруқлик эгаллаган ҳудудлар ўртасида нисбий баландлик катта эмаслиги, нишабликнинг камлиги ҳамда қирғоқ зонаси ғовак кўл ва аллювий жинслардан тузилганлиги, улар устини қалинлиги 15-30 метрли қум ётқизиқлари қоплаганлиги билан боғлиқдир. Шунинг учун қирғоқ бўйлаб, 1-1 ландшафт хилида ботқоқланган қумоқ, ботқоқланган шўрҳоклар кенг ривожланган (2-расм).

Жанубий қирғоқ зонасида грунт суви 1-6 ландшафт хили шаклланишига таъсири бир неча ўн, баъзан бир неча юз метргача яхши сезилади. Грунт сувлари ер юзасига жуда яқин жойлашган 1-6 ландшафт хилида ботқоқ, ботқоқ-ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ, ўтлоқ тупроқлар ривожланган. Улардаги

гидроморфлик хусусияти ўзгарувчан бўлиб, кўллардаги сув сатҳининг ўзгариши билан боғлиқ.

ААКТда сув ҳажмидаги ўзгаришлар Айдар-Арнасой кўллар тизими ва атрофдаги текислик (ландшафт синфи) даги 1-7 ландшафт хилига грунт сувларининг сатҳи ўзгариши орқали, 8-10 ландшафт хилига микроклимнинг ўзгариши, хусусан ҳаводаги намлик ва ёғин миқдорининг ортиши орқали, тоғ (ландшафт синфи) даги 11-15 ландшафт хилига нисбий намлик ва туманли кунлар (йилига 10-13 кундан 20-25 кунга кўпайган) нинг ортиши орқали таъсир кўрсатади.

Диссертациянинг **“Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофидаги ландшафтларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари”** деб номланган тўртинчи бобида келгусида Айдар-Арнасой кўллар тизимида сув ҳажми камайиши кузатиладиган бўлса ландшафтлардаги ўзгаришлар прогнози ҳамда ландшафтларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик шароитни яхшилаш масалалари баён этилган.

ААКТ атрофидаги ландшафтларнинг кўллардаги сув ҳажми камайиши ҳисобига ўзгаришлари прогнозини ишлаб чиқишда, 1979 йилда В.А.Николаев томонидан ишлаб чиқилган ландшафт прогнозлаш методидан фойдаланилди. В.А.Николаев ландшафт прогнозини қисқа муддатли (3-5 й.) ва узоқ муддатли (30-70 й.) прогнозларга бўлиш мумкинлигини, бу ҳолат инсоннинг ландшафтга бўладиган таъсири, тезлиги ва масштабининг катта-кичиклиги ҳамда бошқа кўпгина хусусиятлари билан белгиланишини айтади. Мазкур ишда В.А.Николаевнинг ландшафт прогнозлаш методидан фойдаланилиб, унга қўшимча ҳолда ўрта муддатли прогнозлаш (6-29 й.) даврини киритилди.

ААКТда сув сатҳи пасая борган сари унга қуйилувчи коллектор-зовурларнинг ҳам эрозия базиси пасаяди. Натижада, коллектор-зовурларда сув оқими тезлашади, ўзан туби ва қирғоқлари эрозияси ҳамда жарланиш ҳодисалари кузатилади.

ААКТ ўрнида пайдо бўладиган ландшафтлар ва уларнинг хусусиятларини прогноз қилишда қирғоқдан кўл туби томон изобаталар бўйича босқичма-босқич куруқликка айланиб бориши ва Айдаркўл туби Арнасой ҳамда Тузкон тубидан фарқ қилиши каби хусусиятлари ҳам ҳисобга олинди. Келгусида ААКТда сув камайиши кузатилса, кўл тубида 1 та ландшафт тоифаси ва 4 та ландшафт хили пайдо бўлиши кузатилади.

ААКТда сув камайиши шу миқдорда давом этса 1-, 2-, 3-ландшафт хилларининг қисқа муддатли даврда хусусияти ўзгармайди, ўрта муддатли даврда гидроморф хусусиятдан ярим гидроморф, узоқ муддатли даврда эса автоморф хусусиятга ўзгаради. 4-, 5-, 6-, 7-ландшафт хиллари ўрта муддатли даврда ярим гидроморф хусусиятдан автоморф хусусиятга ўтади. Худуднинг қолган ландшафт хиллари автоморф бўлиб, ААКТда сувнинг камайиши рўй берса ҳам ландшафтлар структурасида жиддий ўзгаришлар кузатилмайди.

ААКТ атрофи ландшафтларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда туризмнинг кўпгина турларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли, ААКТ атрофи ландшафтларининг табиий шароити кўрсаткичларини ва эстетик аҳамиятини туризм нуқтаи назаридан жуда ҳам қулай, қулай, камроқ қулай, қулай эмас каби 4 хил даражали шкалада баҳоланди. Кўллар тизимида сув спорти турлари, балиқ ови, чўмилиш, қайиқда (ботел, флотел) сайёҳат каби туризм турларини ривожлантириш имконияти бўлганлиги сабабли жуда ҳам қулай даражасида баҳоланди. Жуда ҳам қулай даражали шкалада баҳоланган 1-, 4-ландшафтларда балиқ ови, сафари, агротуризм, гастро, илмий, даволаш турлари, 13-ландшафтда отда сайёҳат, экстремал, илмий турлар; қулай даражали шкалада баҳоланган 2-, 5-, 6-ландшафтларда туяда саёҳат, барханлар оша автопойга, сафари, қайиқда сузиш, балиқ ови, 10-, 11-, 14-ландшафтларда отда сайёҳат, агротуризм, гастро туризм, даволаш, илмий, экстремал, альпинизм, чанғи спорти турлари; камроқ қулай даражали шкалада баҳоланган 3-, 7-ландшафтларда туялардаги экотур, барханлар оша автопойга, гастро туризм турлари, 9-, 12-, 15-ландшафтларида отлардаги экотурлар, агротуризм, илмий, экстремал, альпинизм турлари; қулай эмас даражали шкалада баҳоланган 8-ландшафтда фақат баҳорда табиат қўйнига қисқа даврли сайёҳат ташкил қилиш мумкин.

ААКТ атрофидаги 4-, 5-, 6-, 7 – ландшафт хиллари суғориладиган ерлардан иборатлиги туфайли ҳам қишлоқ хўжалик экинлар (пахта, буғдой, поллиз экинлари) кўпроқ экилади. Қишлоқ хўжалик экинларининг баъзи турлари ер ости сувлари яқинлиги ва тупроқ шўрлиги юқорилиги туфайли ҳосилдорлик пасайиб кетмоқда. Бу ерда асосан барглари орқали кўп сув буғлатиш қобилиятига эга бўлган тол, терак, қайрағоч каби дарахтлар ва қизилмия, беда сингари ўсимлик турларидан, яъни биологик дренаж усулидан фойдаланиш тавсия этилди.

ААКТ атроф ландшафтларида табиатни муҳофаза қилиш ҳамда экологик шароитни яхшилаш тадбирларида ландшафтларда рўй бераётган табиий географик жараёнлар ҳамда улардаги антропоген фаолият ўрганилди. Натижада, ландшафт хили доирасида табиатни муҳофаза қилиш ва экологик шароитни яхшилаш бўйича чора-тадбирлар таклиф этилди.

Айдар-Арнасой кўллар тизими атрофидаги ландшафтларда табиатни муҳофаза қилиш ҳамда экологик шароитни яхшилаш тадбирлари

Ландшафтлар, №	Табиий географик жараёнлар	Антропоген фаолият	Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик шароитни яхшилаш тадбирлари
1	Абразия, шўрланиш ва х.к.	Балиқчилик, туризм ва рекреация, яйлов чорвачилиги	Қирғоқни мустаҳкамлаш учун қоратол экиш, биологик дренаж усулини қўллаш
2	Кум дефляцияси ва аккумуляцияси, шўрланиш, ўсимликлар деградацияси ва х.к.	Яйлов чорвачилиги, овчилик, транспорт	Ихота дарахтзорлар барпо этиш, галофитлар майдонини кенгайтириш, чорва моллари боқишни тартибга солиш
3	Кум дефляцияси ва	Туризм ва рекреация,	Саксовулзорлар барпо этиш, яйловларга маълум



	аккумуляцияси, ўсимликлар деградацияси, абразия ва ҳ.к.	яйлов чорвачилиги	вақт дам бериш ва участка алмашлаб фойдаланиш, қирғокларни табиий ва механик йўл билан мустаҳкамлаш
4	Тупроқ эрозияси, жарланиш, пестицидлар билан ифлосланиш, шўрланиш ва ҳ.к.	Суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, яйлов чорвачилиги, қурилиш, транспорт	Сувдан самарали фойдаланиш, суғориш меъёр ва қоидаларига амал қилиш, турли химиявий ўғитларни ишлатишда РЭМ даражасига қатъий роия этиш
5	Абразия, жарланиш, нураш, шўрланиш, ботқоқланиш ва ҳ. к.	Балиқчилик, овчилик, суғорма деҳқончилик, яйлов чорвачилиги, рекреация.	Қирғоқ бўйлаб чала бута ва буталар экиш, табиий дренаж усулини қўллаш, галофит ўсимликларни кўпайтириш
6	Тупроқ эрозияси, жарланиш, шўрланиш ва ҳ.к.	Суғорма деҳқончилик, сунъий ҳовузларда балиқчилик билан шуғулланиш	Сувдан фойдаланиш меъёр ва қоидаларига амал қилиш, Арнасой буюртмахонасини муҳофаза майдонини кенгайтириш орқали тўқай ўсимлик ва ҳайвонларни сақлаш, биологик дренаж усулини қўллаш
7	Маҳаллий шамолларнинг кўпайиши, суффозия, шўрланиш ва ҳ.к.	Суғорма деҳқончилик, боғдорчилик, тоғ-кон саноати, транспорт, қурилиш	Ихота дарахтзорлари барпо этиш, агроирригация қоидаларига роия қилиш, очиқ ва ёпик дренаж тизимларини яхшилаш
8	Ўсимликлар деградацияси, тупроқ эрозияси, жарланиш ва ҳ.к.	Чорвачилик, суғорма ва лалми деҳқончилик, қурилиш материаллари саноати	Яйлов биомахсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда чорва молларини боқишни тартибга солиш, ер ҳайдаш ва суғоришда ернинг нишаблигини ҳисобга олиш
9	Эрозия, сел, жарланиш, ўсимликлар деградацияси ва ҳ.к.	Суғорма ва лалми деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, қурилиш ва ҳ.к.	Ёнбағирларда террасалаб дарахтзорлар ва бошқа кўп йиллик ўсимликлар экиш, сел кўп оқадиган жойларда селхоналар қуриш, яйловлардан йил давомида фойдаланишдан мавсумлар бўйича фойдаланишга ўтиш, аҳолига буталарни кесмаслик тўғрисида тушунтириш олиб бориш
10	Тупроқ эрозияси (жарланиш, ирригация эрозияси), сел, ўсимлик турларини камайиши ва ҳ.к.	Яйлов чорвачилиги, суғорма ва лалми деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, транспорт, қурилиш ва ҳ.к.	Агротехника қоидаларига қатъий роия қилиш, ўсимлик пишиб етилмасдан пичан тайёрлашни тартибга солиш, доривор ўсимликларни рухсатномасиз йиғишни ман этиш, сел кўп оқадиган жойларда чала бута ва буталарни кўпайтириш
11	Дефляция, тош қулашлари, жарланиш, сел, табиий ўсимлик ва ҳайвон турларининг деградацияси ва ҳ.к.	Тоғ-кон саноати, қурилиш, яйлов чорвачилиги, рекреация ва ҳ.к.	Тоғ ёнбағирларида террасалаб дарахт ва буталар экиш, Хонбанди тоғидаги Хонбанди селхонаси (X аср) алоҳида муҳофаза қилинадиган объект сифатида расмийлаштириш, селхоналар қуриш, қушларни нокунуний овлашга қарши курашиш
12	Кум дефляцияси, транспортровка, аккумуляция, шўрланиш, абразия ва ҳ.к.	Яйлов чорвачилиги, экотуризм, балиқчилик ва ҳ.к.	Тоғ ёнбағирларида чала бута ва буталар, кумларда псаммофит, шўрланиш кучли жойларда галофит ўсимликлар, қирғокларни мустаҳкамлаш учун қоратол экиш
13	Эрозия, жарланиш, сел, ўсимликлар деградацияси ва ҳ.к.	Чорвачилик, суғорма ва лалми деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, рекреация ва ҳ.к.	Ёнбағирлар қиялигини ҳисобга олиб ҳайдаш, тупроққа ўз вақтида ишлов бериш, юза сувларини тартибга келтириш, чорва моллари боқишни тартибга солиш
14	Нураш, эрозия, тош қулашлари, қор кўчкилари, доривор ўсимлик деградацияси.	Лалмикор деҳқончилик, боғдорчилик, овчилик, туризм ва рекреация	Табиий ўсимлик қопламини сақлаш, ёнбағирларга дарахт ва бошқа кўп йиллик ўсимликлар экиш, доривор ўсимликларни рухсатномасиз йиғишни ман этиш
15	Қор кўчкилари, тош қулашлари, қурум	Туризм ва рекреация	Қурумлар этагида дарахт ва бута ўсимликлар экиб тош оқимини тўхтатиш

## ХУЛОСА

1. Айдар-Арнасой кўллар тизими ва атрофидаги ландшафтлар, илк бор бир бутун геотизим сифатида, кўллардаги сув ҳажмининг ўзгариши атрофдаги ландшафтларга таъсири нуқтаи назаридан ўрганилди. ААКТ ва унинг атрофидаги ландшафтларнинг асоси бўлган геологик-геоморфологик тузилиши ҳамда тупроқ, ўсимлик, ҳайвонот каби компонентларидаги ўзгаришлар ва рўй бераётган табиий географик жараёнларни ўрганиш орқали ландшафт хусусиятлари аниқланди;

2. Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унинг иқлим орқали ландшафтларга таъсири Арнасой гидрометеорологик пости ва атрофдаги 8 та метеостанция маълумотлари асосида ўрганилди. Айдар-Арнасой ботиғида ААКТ пайдо бўлгунга қадар иқлим элементлари ғарбдан шарқга ва Нурота тизмаси ёнбағирларида юқорига томон ўзгарган бўлса, 1969 йилдан кейинги даврда юқоридаги ҳолат билан бирга кўллардан атрофга томон иқлим элементларидаги фарқлар ортганлиги аниқланди. Масалан, ўртача кўп йиллик ёғин миқдори Жиззах метеорологик станциясида 292 мм ни, Арнасой кўл станциясида эса 418 мм ни ташкил қилади, фарқ 126 мм, ҳавонинг нисбий намлиги Жиззах шаҳрига нисбатан Арнасойда май ойида 7 %, июнда 11 %, июлда 12 %, августда 15 % ортиқлиги, қолган ойларда ҳаво ҳароратининг пасайиши ҳисобига кўл юзасида буғланиш камайиб, куруқлик билан орадаги фарқларнинг қисқариб бориши кузатишлар ва метеостанция маълумотлари таҳлили асосида аниқланди;

3. Айдар-Арнасой кўллар тизими ва унга туташ ҳудудлардаги ландшафтлар чегарасини аниқлаш, таснифлаш, картага туширишда В.А.Николаевнинг (1999) тасниф схемасига асосланиб ландшафтларнинг 2 та синфи, 3 та гуруҳи, 3 та тури, 5 та тоифаси, 15 та хили мавжудлиги ва ушбу ландшафт хилларининг тузилиши тавсифланди. Ҳар бир ландшафт хилининг табиий географик хусусиятлари ва ресурс имкониятлари ўрганилиб, келгусида хўжаликнинг муайян тармоқларини ривожлантириш борасида таклифлар берилди;

4. Дала тадқиқотлари ва тўпланган материаллар асосида, илк бор, “Айдар-Арнасой кўллар тизими ва атрофидаги ландшафтлар картаси” (масштаб 1:200000) яратилди. Ушбу ландшафт картаси Айдар-Арнасой кўллар тизими ва атрофидаги ландшафтларда биохилма-хилликни сақлаш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ва экологик шароитни яхшилаш чоратадбирларини ландшафтлар доирасида манзилли, уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, табақалашган ҳолда амалга ошириш имконини беради;

5. ААКТдаги кўп йиллик (1969-2018 йй.) сув баланси тебранма хусусиятга эга бўлиб, сув кирими 1969-1970, 1994, 2003 йиллари энг кўп, баъзи йиллари эса 1996, 2001, 2007 энг кам бўлгани кузатилган. ААКТ майдони 2300 км<sup>2</sup> дан 3702 км<sup>2</sup> гача, сув ҳажми эса 19,94 км<sup>3</sup> дан 44,09 км<sup>3</sup> гача ортган. Сувнинг минераллашиш даражаси шарқий қисмида 7,4 гр/л (Арнасой кўлида), жануби-шарқий қисмида 7,6 гр/л (Тузкон кўлида),

марказий қисмида 7,9 гр/л, ғарбий қисмида 8,6 гр/л (Айдаркўлда) даражада ўзгариши аниқланди. ААКТнинг шарқий ва жануби-шарқий қисмида минераллашиш даражаси пастлигига сабаб, Чордара сув омбори ва коллектор-зовурлардан доимий равишда сув тушиб туради, аксинча ғарбий қисмида ташқаридан сув қуйилиши бўлмаганлиги сабабли минераллашиш даражаси юқори бўлади;

6. ААКТда сув ҳажмидаги ўзгаришлар Айдар-Арнасой ботиғи ва атроф текислик (ландшафт синфи) даги 1-7 ландшафт хилига грунт сувларининг сатҳи ўзгариши орқали, 8-10 ландшафт хилига микроиклимнинг ўзгариши, хусусан ҳаводаги намлик ва ёғин миқдорининг ортиши орқали, тоғ (ландшафт синфи) даги 11-15 ландшафт хилига нисбий намлик ва туман (йилига 10-13 кундан 20-25 кунга кўпайган) лар орқали таъсир кўрсатади;

7. Айдар-Арнасой кўллар тизимининг атрофдаги ландшафтларга, хусусан уларнинг иқлимига, грунт сувларига, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ва бунинг натижасида рўй бераётган табиий географик жараёнлар аниқланди. Мазкур натижалардан фойдаланиш кўл қирғоқларида қурилаётган дам олиш зоналарини ландшафтларнинг эстетик аҳамияти ва туристик салоҳиятини ҳамда барқарорлигини ҳисобга олиб жойлаштиришни таъминлайди, реклама маҳсулотларини тайёрлаш ва туристик инфратузилмани ривожлантиришда хизмат қилади;

8. ААКТ қирғоқларида ландшафт хусусиятига кўра бир-биридан фарқ қиладиган 3 та таянч тажриба майдонлари (6-1, 2-4, 3-3 ландшафт хиллари)да бир неча йиллар давомида кузатишлар олиб борилди. Тадқиқотлар жараёнида метеорологик асбоблар билан ҳарорат, намлик, босим ва шамолнинг суткалик, ойлик ва фаслий ўзгаришларини кузатиб борилди ва фонд материаллари билан таққослаб, аниқликлар киритилди. ААКТдаги таянч тажриба майдонидан олинган маълумотлар, кузатиш ва ўрганиш методларини андоза сифатида бошқа йирик сув объектлари (Сариқамиш кўли, Денгизкўл, Қорақир кўллари ва йирик сув омборлари) да фойдаланиш мумкин;

9. Сўнгги йилларда ААКТ сув балансида кирим қисми ( $2,5 \text{ км}^3$ ) га нисбатан чиқим қисми ( $4,4 \text{ км}^3$ ) ортаётганлиги ва оқибатда сувнинг камайиши кузатилмоқда. Кўл сатҳини 245 метрда ушлаб туриш учун яна  $1,9 \text{ км}^3$  ҳажмда сув зарур бўлади. Агарда сув баланси тенглиги таъминланмаса, кўл сатҳи йилига ўртача 30 см гача тушиб боради. Кўл суви камайишига боғлиқ ҳолда атрофдаги ландшафтларда бўладиган ўзгаришларни ўрганишда В.А.Николаевнинг (1979) ландшафт прогнозлаш методидан фойдаланган ҳолда қисқа (3-5 йил) ўрта (6-29 йил) ва узоқ муддатли (30-70 йил) прогнозлар ишлаб чиқилди. ААКТда суви камайиши шу миқдорда давом этса 1-,2-,3-ландшафтларда қисқа муддатли даврда хусусияти ўзгармайди, ўрта муддатли даврда гидроморф хусусиятдан ярим гидроморф, узоқ муддатли даврда автоморф хусусиятга ўзгаради. 4-,5-,6-,7-ландшафт хиллари ўрта муддатли даврда ярим гидроморф хусусиятдан автоморф хусусиятга ўтади.

Бошқа ландшафт хиллари автоморф бўлиб, ААКТда сувнинг камайиши рўй берса ҳам ландшафтлар структурасида жиддий ўзгаришлар кузатилмайди;

10. Айдар-Арнасой кўллари тизими ва атрофидаги ландшафтларнинг табиий шароити кўрсаткичларини ва эстетик аҳамиятини туризм нуқтаи назаридан 4 даражали (жуда ҳам қулай, қулай, камроқ қулай, қулай эмас) шкалада баҳоланди. Жуда ҳам қулай даражали шкалада баҳоланган ААКТда сув спорти турлари, балиқ ови, чўмилиш, қайиқ, ботел, флотелда сайёҳат каби туризм турларини ривожлантириш имконияти юқори. Жуда ҳам қулай даражали шкалада баҳоланган 1-, 4-ландшафтларда балиқ ови, сафари, агротуризм, гастро, илмий, даволаш турлари, 13-ландшафтда отда сайёҳат, экстремал, илмий турлар; қулай даражали шкалада баҳоланган 2-, 5-, 6-ландшафтларда туяда саёҳат, барханлар оша автопойга, қайиқда сузиш, балиқ ови, сафари, 10-, 11-, 14-ландшафтларда отда сайёҳат, агротуризм, гастро туризм, даволаш, илмий, экстремал, альпинизм, чанғи спорти турлари; камроқ қулай даражали шкалада баҳоланган 3-, 7-ландшафтларда туялардаги экотур, барханлар оша автопойга, гастро туризм турлари, 9-, 12-, 15-ландшафтларида отлардаги экотурлар, агротуризм, илмий, экстремал, альпинизм, турлари; қулай эмас даражали шкалада баҳоланган 8-ландшафтда фақат баҳорда табиат қўйнига қисқа даврли сайёҳат ташкил қилиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.G.01.06  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ГУДАЛОВ МИРКОМИЛ РАВШАНОВИЧ**

**ВЛИЯНИЕ АЙДАР-АРНАСАЙСКОЙ СИСТЕМЫ ОЗЁР НА  
ЛАНДШАФТЫ**

**11.00.01 – Физическая география**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ(РНД)  
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2019**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В.2019.3.PhD/Gr113.**

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([nuuka@nuu.uz](mailto:nuuka@nuu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Шарипов Шавкат Мухамажанович**  
Кандидат географических наук, доцент

**Официальные оппоненты:**

**Бахритдинов Баходир Арифович**  
Доктор географических наук, профессор

**Хикматов Фазлиддин Хикматович**  
Доктор географических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.G.01.06 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (+99824) 246-53-21, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: [ik-geografiya.nuuz@mail.ru](mailto:ik-geografiya.nuuz@mail.ru). Национальный университет Узбекистана факультет Географии и природных ресурсов).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № \_\_ ). Адрес: 100195, Ташкент, ул. Университетская 4. Национальный университет Узбекистана. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.

(реестр протокола рассылки № \_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года).

**Н.И.Сабитова**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.г.н., профессор

**З.Н.Тожиева**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.г.н., профессор

**А.А.Каюмов**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.г.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Быстрый рост населения в мире, интенсивное использование природных ресурсов, особенно водно-земельных, приводит к негативным экологическим процессам таким как, загрязнение водных ресурсов, деградация земель, сокращение биоразнообразия. Для решения этих проблем в международных организациях, например в ООН, в Программе стабильного развития до 2030 года поставлены задачи как, «Защита и восстановление экосистемы суши и её разумное использование, прекращение деградации земель и предотвращение уменьшения биологических разновидностей»<sup>1</sup>. Эти задачи требуют проведения исследований для анализа изменения ландшафтов в “экологически слабых” регионах с засушливым климатом, которые меняются из-за влияния антропогенных факторов, требуют оценки, прогнозирования и предотвращения ожидаемых негативных естественных процессов.

В мире исследованиям по данному направлению, таких как использование земельно-водных ресурсов, делается акцент на выявление уменьшения биоразнообразия, изменения компонентов ландшафтов и почвенно-растительного покрова, на изучение возможных естественных процессов которые могут появиться в условиях изменения климата. А так же, считается очень важным изучение и описание аэрокосмическими методами в полевых условиях современное состояние ландшафтов, моделирование, картирование, оценивание влияния гидрологических и гидрогеологических условий на почвенно-растительный покров, прогнозирование их влияние на изменение ландшафтов. Кроме этого очень важно, разработка действий по рациональному использованию природных ресурсов для улучшения экологической ситуации.

